



АДОЛАТ

Ўзбекистон
«Адолат»
СДП
газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1998 йил, 11 сентябрь, № 36 (179) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

ЮРТБОШИ ЎГИТЛАРИ

Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшнларининг омон-эсолиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбидининг гавҳаридир.


Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар-раҳнамолари, олим узилилари, барча фарзандлари масъулдир.



К И Е В. Украина ҳуқуқни ҳимоя қилиш хизмати Украина-Россия миллий футбол жамоаларининг Европа чемпионатида саралаш ўйинида безорилик қилгани учун икки нафар россиялик ишқибоз устидан жиноий иш қўзғайди. Улар футбол майдонидан югуриб йулакчасига тутун чиқарувчи граната ташлаганида айбланмоқда.

Украина ички ишлар вазирлигидан маълум қилинишича, гарчи россиялик икки ишқибознинг бу ишлари ҳеч кимга зарар келтирмаган бўлсада, уларнинг ҳаракатида жиноий кўринишлар мавжуд.

Умуман, мазкур ўйинда жами 42 нафар ишқибоз ҳибсга олинган. Уларнинг 17 нафари россиялик ишқибозлардир.



ГРЕЦИЯ. Афинанинг қадимий ёдгорликлари.

С Я Н Г А Н. Хитойга таширф буюрган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Мэри Робинсон хонимга ушбу мамлакатдаги 140 дан ортик сиёсий маҳбус очик хат йўллади.

Сянгандаги инсон ҳуқуқлари марказининг хабар беришича, мактубда олий комиссардан сиёсий маҳбусларни озод этишга қўмак бериш сўралган.

М.Робинсон таширфи чоғида инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Хитой билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги меморандумни имзолади. У мазкур ҳужжатни икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги амалий қадам, деб баҳолади.

Т Е Л - А В И В. Исроил мактабларида 8 сентябр кун дарслар бошланди. Аслида Исроилда ҳам ўқув йили бошқа мамлакатлардагидек 1 сентябрдан бошланиши керак эди. Бироқ ўқитувчиларнинг ўз маошларини оширишни талаб қилиб иш ташлашгани мактаб эшикларининг 8 кун кеч очилишига сабаб бўлди.

Узоқ давом этган музокарадан кейин ўқитувчилар касба уюшмалари билан мамлакат молия вазирлиги ўртасида муаллимларнинг маошини 1,9 фоизга ошириш бўйича келишув ҳужжати имзоланди.

А Н Қ А Р А. Афғонистон Президентининг вакили Туркия Президентининг Афғонистон муаммоларига бағишланган халқаро учрашув ўтказиш ташаббусини қўлаб-қувватлади. У журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда мазкур ташаббусни «Бу Афғонистондаги барча сиёсий гуруҳлар учун ягона имконият», дея баҳолади.

Туркия Президенти Сулаймон Демирел Анқарага таширф буюрган Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний билан учрашувда Афғонистон муаммоларини фақат тинч йўл билан ҳамда БМТ Бош қотиби ва қарама-қарши урушаётган томон вакиллари иштирокидаги учрашувлар орқали ҳал этиш мумкин, дедан.

«АДОЛАТ» ХАМРОҲИМ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

Азиз ўқувчи, мана яна бир обуна мавсумини ордда қолдириб, янгисига етиб келдик. Энди Сизнинг олдингизда яна ўзингиз севган газетани танлаб, унга 1999 йил учун обуна бўлиш масъулияти турибди. Ўйлашимизки, ўзингизнинг севимли газетангиз «Адолат» Сизни бефарқ қолдирмайди ва унга албатта келаси йил учун обуна бўласиз.

«Адолат» келаси йилда ҳам доимий ҳамроҳим бўлсин десангиз, унга албатта обуна бўлинг! Обуна барча алоқа бўлимларида расмийлаштирилмоқда.

Ислом КАРИМОВ:

«ДЕНГИЗ ТУШЛАРИМГА КИРИБ ЧИҚАДИ...»


Президент Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб беш тамойилга асосланган иқтисодий сиёсатни амалга ошириб келмоқда. «Етти ўлчаб бир кес» дегадиларидек, олиб борилаётган оқил сиёсат етти йилда етмиш йиллик медаларни берди. Улар жуда кўп. Аммо яна бир шундай медалардан бири Буюк Ипак йўлининг тикланаётганидир...

Аждодлар меросига асосланган савдо, бозор иқтисодиёти ва маънавий-миллий қамолотнинг бош йўли бўлиб келмоқда. Шу боис ҳам Ўзбекистон раҳбари Буюк Ипак йўлининг йўналиши бўйича Марказий Осиё иқтисодий макони доирасини ривожлантириш мақсадида Шарқдан Қозоғистон, Хитой ва Жанубий Корея орқали Японияга бориш, Жанубдан Киргизистон, Афғонистон ва Ҳиндистон орқали Ҳинд океанига, Араб мамлакатларига чиқиш, Ғарбдан Туркманистон, Кавказ, Эрон ва Туркия орқали Урта Ер денгизига чиқиш ва шарқий Европа мамлакатлари билан савдо алоқаларини ривожлантириш учун бу минтақадаги давлатлар раҳбарлари билан йўналишни куриш коммуникациялари, денгизга чиқиш ҳақида фидойилик кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Президентининг Боқуда Буюк Ипак йўлини қайта тиклашга бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиб, сузлаган нутқи ҳам худди ана шу фидойиликнинг намунасида.

Мамлакатимиз раҳбари Озарбайжонга сафари олдидан оммавий-ахборот воситалари вакиллари қизиқтирган саволларига жавоб берар экан шундай деди:

— Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг қоқ уртасида жойлашган бўлиб, бу биз учун бир жиҳатдан муҳим, иккинчи жиҳатдан анча нуқулдир. Муҳим томони шундаки, бу минтақадаги аксарият мамлакатларга бизнинг худудимиз орқали ўтилади. Нуқул томони шунки, энг арзон ва қулай бўлган денгиз йўлига тўғридан-тўғри чиқолмаймиз. Худуд бизга ҳамма нарсани берган. Фақат суя йўлимиз йўқ. Қани энди денгизга бир тўғри йўл бўлса, Ўзбекистон бундан ҳам гуллаб-яшнаб кетарди. Денгиз, денгизга чиқиш, ҳатто, тушларимга кириб чиқариларди.



Шу боис коммуникация мамлакатимиз учун энг долзарб масалалардан бири саналади...

Маълумки, Боку анжуманида ўттиздан зиёд давлат ва кўпала халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этишди. Конференцияда юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов сузга чиқди. Ўртбошимиз Европа-Кавказ-Осиё йўлагини тезроқ тула қувват билан ишга тушириш халқаро интеграция йўлида муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Ипак йўлини тиклаш гоёси айрим шахслар фаолиятининг махсуси эмас, балки, бу — ҳаётини заруратдир, — деди

мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида. — Дунё тараққиёти талаблари шунга тақозо этмоқда...

Бугун дунёвий жараёнлар глобаллашган, турли давлатлар ва бутун-бутун минтақаларнинг ўзаро интеграциялашуви жараёни тезлашган. Бир даврда Европа ва Осиёни боғловчи куприкни

тиклаш ташаббуси табиий ҳолдир...

Шунингдек, давлатимиз раҳбари мазкур йўлакни ривожлантириш бевосита минтақавий тинчликни таъминлаш, мамлакатлар иқтисодиётини янада юксалтиришда бемисл самара бераётганини алоҳида қайд этди.

Ҳа, Ўзбекистон бугунги кунда ТРАСЕКА дастури бўйича амалга оширилаётган ишларда фаол иштирок этиш билан чекланиб қолмай, транспорт коммуникацияси имкониятларини кенгайтириш борасида бошқа лойиҳаларни ҳам амалга ошираётир. Ўзбекистон қўшни Киргизистон ҳамда Хитой билан Тошкент — Андижон — Ўш — Иркештом йўлини куриш ва таъмирлаш бўйича ақиндан ҳамкорлик қилаётир. Буюк Ипак йўлининг бир қисми ҳисобланмиш бу йўналиш Европа мамлакатларини ҳам Тинч океани, ҳам жанубий-шарқий Осиё давлатлари билан боғлайди...

Халқаро конференция сўнггида бир неча муҳим ҳужжатлар имзоланди. Европа — Кавказ — Осиё йўлагини ривожлантириш бўйича халқаро транспорт тўғрисидаги кўп томонлама Битим, Буюк декларацияси шулар жумласидан.

Т. ТОШЕВ.

ҲАЁТ БУТ, КЎНГЎЛ ТЎҚ

ЖАҲОН БОЗОРИ САРИ

Ўртбошимизнинг бекиёс куч-ғайратлари, саъй-ҳаракатлари билан биз етти йил ичида кўп нарсаларга эришдик.

Акс садо

Мустақиллигимизнинг илк давлариданоқ танланган ўзига хос ва мос йўлимиз ўзининг нақадар тўғрилигини курсатди ва кўрсатиб турибди. Ҳозир ҳаётнинг бирон бир соҳаси йўқки, узгармаган, тараққий қилган йўл бўлмаган бўлса. Ўртбошимизнинг Озарбайжонда бўлиб ўтган Буюк Ипак йўлини қайта тиклашга бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиши учун жўнаб кетиши олдидан журналистлар билан ўтказган учрашувда ҳам бу ҳақда жуда кўп ойдин фикрлар уртага ташланди. Мен ойнаи жаҳон орқали бу учрашувни қаттиқ қизиқиб билан кузатдим. Айни пайтда ён-атрофимиздаги давлатларда, айниқса, Россияда иқтисодий инқироз юз бериб турган бир пайтда бизда юксалишнинг, ривожланишнинг таъминланаётгани, унинг янада кучайиши йўлида халқаро миқёсда муҳим дастурларни амалга ошириш учун киришяётганини мени бениҳоят тўқинлантирди.

Тўғри, айни пайтда Россияда юз бераётган воқеалар ва унинг оқибатлари купчиликини қизиқтирмоқда. Ўртбошимиз журналистларнинг берган саволларига бу ҳусусда ўз нутқини зарларини баён қилар эканлар,

хавотирланишга ҳеч қандай асос йўқлигини эътироф этиб, купчиликини хотиржам этдилар. Чунки эндиликда Ўзбекистон Россиядан фақат ишлаб чиқариш воситалариниғина сотиб олмақда. Ўртимизда озик-овқат маҳсулотлари ва кўндалик эҳтиёж молларининг захираси етарли. Бу борада ташвишланмасам ҳам бўлади. Негаки ҳукуматимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун барча чораларни қўймоқда. Эндиликда жаҳон бозорига чиқиш учун қўйилаётган дадил қадамлар коммуникация тармоғини кенгайтириш, ўзаро ҳамкорликдаги ТРАСЕКА лойиҳасини тезроқ рўёбга чиқаришга йўл очади.

Турдумурод УСМОНОВ,
Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани ноҳ комбинати директори.

ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ

Дунёда мувозабат яхши бўлса иқтисодий ривожланиш ҳам таъминланаверади. Мен бу фикрни ўртбошимиз Ислом Каримовнинг Озарбайжонга сафари олдидан журналистлар билан бўлган учрашувини кураётиб кўнглимдан ўтказдим. Бунга далиллар оз эмас.

Президентимизнинг Россиядаги чўқур иқтисодий инқироз тўғрисида билдирган таҳлиллари мамлакат, халқ ва ватанини эъзозлайди-

ган ҳар бир кишини уйга толдиради. Ўзим Россия телекурсувларини анчадан бери кузатиб бораман. У ердаги иқтисодий инқирозга аввалдан эътибор қилиб келишим. Энди Президентимиз таъкидлаганларидек, «Россия иқтисодини оғир ҳасталиқдан олиб чиқиш, ким бўлишидан қатъий назар... шахсларга эмас, балки танланган йўлнинг тўғрилиги, мақсаднинг қай даражада аниқ-равшанлиги га боғлиқ. Сўбатдаги кичик хато ким янглишиш ҳам иқтисодда катта уприлишларга олиб келиши мумкин...»

Республикамиздаги барқарорлик, ишлаб чиқаришни изга



САМАРКАНД НОНИ

Уни дунёга машҳур қилган қадимий касб соҳиблари — ғаллақору новвойлар бугун ҳам воҳанинг истиқболи, ризқу баракаси учун жонқуярлик ва маҳорат кўрсатмоқдалар.

Қадимда Самарқанднинг Оби-машҳад ариғи устида юзлаб тегирмонлар қурилган бўлиб машҳур нон Осиё учун ун шу ерда тортилган экан. Шундан буён кўп сувар оқиб ўтди. Соҳибқирон Амир Темур даврида эъзозланган новвойлик, хунармадчилик бугунги кунга келиб ўзининг янги қираларини намойён этмоқда. Бозор, расталар тўла нон. Байрамлар, тўй-тантаналар файзи баракаси шу улғу неъмат туфайли.



муваффақиятдан дарак бермоқда.

Дарвоқе самарқандлик ғаллақорлар ва донни қайта ишловчилар, уруғчилик мутахассисларининг уқин ҳамкорлигида ишлашлари тобора умидбахш натижалар бермоқда. Вилоятдаги 300 дан зиёд жамоа, ижара ва деҳқон-фермер ҳужалиқларида ғаллачиликдан дуруст даромад оладиган бўлилар. Улар қаторида Жомбой тумани-

даги «Ҳақиқат» жамоа ҳужалиғи. Тойлоқ туманидаги Улғубек номи ҳужалиғи мисол қилиб келтириш мумкин.

Бугун ғаллазорлардаги шижоаткорлик, қайноқ меҳнат ташвишлари «Самарқанддон»га қарашли тегирмонларга қўнган. Саноатчилар янги технологиялардан, мукамал тажрибалардан фойдаланиб донни авайлаб сақлаш, қайта ишлаш ва савдо корхоналарини мунтазам ун билан таъминлаш ҳаракатида бўлмоқдалар. Уюшма таркибидagi «Жомбойдон», «Оқтошдон» сингари йирик тегирмонлар замонавий технологиялар билан жиҳозлангани туфайли ҳар тонна бугдойдан 803 килограммча ун олинмоқда. Бу республикада энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Шунинг баробарида уюшманинг бошқа корхоналарида ҳам янги техника ва технологияларни жорий этиш изчил давом эттирилмоқда. Жума элеваторида Туркиянинг «Экпар» фирмаси билан шартнома асосида янги усқунлар ўрнатилмоқда. У суткасига 50 тонна сифатли ун тайёрлаш имконини беради. Уюшма таркибиди ишлаб маҳсулотни тайёр ҳолда истеъмолчиларга етказиб берадиган корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. Ҳозир нон, қандолат, макарон, қўлча ва ҳар хил ширинликлар тайёрлайдиган корхоналар 20 дан ошган. Уларнинг изланувчанликлари туфайли 30 хилга яқин маҳсулот сав-

дога чиқарилмоқда. Чунки «Регистоннон» жамоа корхонасида карамель ва «Ҳайдарбо» ҳиссадорлик жамиятида хориз андозаси асосида ширин қўлча ва қандоқланган макарон тайёрланамоқда.

— Ҳиндистоннинг «Флекс» фирмаси билан ҳамкорликда вафли қандоқлайдиган янги усқуна ўрнатилди, — дейди «Регистоннон» раҳбари Фахриддин Ғиёсов. — Чунки истеъмол бозориди рақобат шунга даъват этмоқда. Четдан сирти ялтироқ аммо таркиби шубҳали қандолат ташиб келтирилишига барҳам бериш учун аввал ўзимизда яхшироғини тайёрлашимиз лозим.

Рақобат ҳақида гапириладиган бўлса, вилоят ҳокимининг «Самарқанд навоилари уюшмаси»ни тузиш ҳақида махсус қарор қабул қилинганлигини таъкидлаш уринилиди. Шунга мувофиқ эндиликда вилоятдаги юзлаб новвойлар янги уюшма таркибиди ишлаб касб довергини ошириш пайида бўлмоқдалар. Улар учун обод ва муқташам савдо расталари қурилган. Ун ва бошқа материаллар таъминоти марказлашган ҳолда амалга ошириладиган бўлган. Самарқанд нонининг шухрати янада ошириш йўлидаги бу сайёҳ ҳаракатлар натижасини куриш учун лоақал Сивб бозорига қадам қўйсангиз қифоя. Самарқандга олис-яқиндан таширф буюрган сайёҳ қадимий шаҳар ҳақида қайноқ таассурот нишонаси сифатида қўйш шаклини, Регистон улугворлигини ва меҳмондуст юрт назоқатини ифода этган бир жуфт нони Осиёдан албатта харид қилиб қайтади.


Қўнча ва муаззам юртнинг шухрати, савобу файзи шундай саховатли хунарамандлар қўлида экан бу касб асло завол топмасин дейимиз.


Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз муҳбири.

СУРАТЛАРДА: 1. «Самарқанддон» ҳиссадорлик уюшмаси раиси Ҳамроқул Бердимуродов. 2. «Регистоннон» жамоаси ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар. 3. Уюшмага қарашли бош корхона директори Зоир Каримов. 4. Шу корхона иқтисодчилари Зухра Каримова ва Фарид Раҳимов.

Вилоятда дон тайёрлаш, уни қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришдек шарафли вазифани «Самарқанддон» ҳиссадорлик уюшмасига қарашли корхоналар сидқидил уддалаб келмоқдалар. Бу йил вилоят ғаллазорларида ҳосил ҳар қачонгидан баракали бўлди. Уюшма билан шартнома тузган ҳужалиқлардан 232,6 минг тонна ғалла қабул қилиб олинди, давлат буюртмаси 106,9 фоизга уддаланди. Шуниси эътиборлики, «Самарқанддон» ғаллақорлар билан ҳисоб-китоб ишларини ўз вақтида амалга оширгани, сифатли уруғлик таъминоти тулиқ ҳал этилгани, агротехник тадбирлар изчил қўлланилгани шундай муваффақиятга йўл очди.

— Мана икки йилдирки, вилоятда уруғлик ғалла тайёрлаш ва ҳужалиқларга етказиш билан «Элита» Ўзбекистон — Ирландия қўшма корхонаси шугулланиб келмоқда, — дейди «Самарқанддон» уюшмаси раҳбари Ҳамроқул Бердимуродов. — Бу гоёт самарали ҳамкорлик вилоят ғаллачилигида инқилобий даврни бошлаб берди, десаам янглишмайман. Қисқа вақтда бугдой ва арпанинг «Улғубек — 600» «Сангзор», «Темур», «Зафар» сингари унлаб серхосил навлари яратилиб асосий майдонларда экиладиган бўлди. Биргина шу тадбир туфайли ҳосилдорлик вилоятда бир ярим барбарга ошди. Бу йил кузги мавсумда экиш учун «Элита» қўшма корхонасида 18 минг тонна сара уруғлик жаллангани ҳам янги





ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING НИЗОМИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси 1995 йил 18 февраль кунин Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган таъсис курултойида ташкил этилиб, шу кунин мазкур курултойда унинг Низоми ва Дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП 1995 йил 18 февраль кунин Республика Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, ватанга садоқатли хизмат қилиш ниятида ҳудудимизда тузилган биринчи социал-демократик партиядир.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг асосий мақсади — мустақил Ўзбекистон Республикасида яшайётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар қарор топган адолатли фуқаролик жамиятини қуришдир.

Партия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ўз Низоми ва республиканинг бошқа амалдаги қонунларига мувофиқ амалга оширади.

Партия фаолияти ўз-ўзини бошқариш, ошқоралик, қонунийлик, ҳайрихоҳлик, партия аъзоллиги ва партия ҳаётида фаол қатнашиш, партия аъзоларининг тенг ҳуқуқлик таъминини таъминлайди.

Партиянинг олий органи — курултой, қуйи органи эса, бошланғич партия ташкилотли йиғилишидир. Умумий йиғилиш — мажлис, кенгаш, конференция, курултой партиянинг раҳбар органларидир.

Партия ўзининг аъзоларини Парламентга, маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар вақтида номзодлар этиб қўрсади ва давлат ҳокимият органининг барча бўғинларида иштирок этади. Парламентга сайланган депутатлар партия фракциясини ташкил этади.

1995 йил 24 февралда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг 47 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракциясини рўйхатга олинди. Ҳозирда «Адолат» СДПга 30 мингдан ортиқ киши аъзодир.

Газетамизнинг аввалги сонида партия Дастурини эълон қилган эдик. Бугун эса қуйида газетамизнинг талабига биноан партия Низоми эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1.1. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси фуқароларини уларнинг манфаатлари ҳамда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, ватанга садоқатли хизмат қилиш ниятидан келиб чиқиб тузилган сиёсий партиядир.

1.2. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ўз Низоми ва республиканинг бошқа амалдаги қонунларига мувофиқ амалга оширади.

1.3. Партия фаолияти ўз-ўзини бошқариш, ошқоралик, қонунийлик, ҳайрихоҳлик, партия аъзоллиги ва партия ҳаётида фаол қатнашиш, партия аъзоларининг тенг ҳуқуқлик таъминини таъминлайди.

II. МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

2.1. Партиянинг асосий мақсади — мустақил Ўзбекистон ҳудудига яшайётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, шунингдек жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш, инсон ҳуқуқлари ва эркини таъминлаш, маънавият ва маърифат қарор топаган фуқаролик жамиятини таъминлашдир.

2.2. Партиянинг вазифалари:

— Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида демократик жараёнларни ҳаддлаштириш;

— Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш борасида ватанга садоқатли хизмат қилаётган кишиларни тарбиялаш;

— Ўзбекистон фуқароларига ўз қонуний ҳуқуқлари, эрки ва бурчларини англашга қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий, маданий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий ҳаётини яхшилатиш;

— Ўзбек халқининг миллий аъёнларига таянган ҳолда миллий қадриятларни тиклаш, бо маданий меросимизни ўрганиш асосида ёш авлоднинг тарбиялаш;

— миллиятлараро муносабатларни яхшилаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш, ҳар қандай миллатчилик ғоясига қарши кураш олиб бориш, тинчлик ва барқарорликни, миллий ҳамжиҳатликни тарғиб қилиш;

— давлат тизимини тақомиллаштириш, давлат ҳокимияти органларига имонли, пок, ўз Ватани, халқини севадиган ва элу юртга садоқат билан хизмат қилаётган мутахассис кадрлар ишлашга эришиш;

— республика фуқароларининг турмуш даражасини кўтариш, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳолининг муҳофазасини таъминлаш борасида тақдирлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

— Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ўз ўрнини эгаллаш, дунёдаги илгор давлатлар билан халқаро ҳуқуқ талаблари асосида ўзаро манфаатли алоқаларини ривожлантириш учун фаолият қўрсаатиш, миллий манфаатларга мос келадиган ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлаш;

— Жаҳон социал-демократик ҳаракати билан, илгор қарашларга асосланган софидан ва эзгу ниятда бошқа ижтимоий ҳаракатлар, партиялар билан алоқа бошлаш.

III. ПАРТИЯГА АЪЗОЛИК

3.1. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган, партиянинг Низоми ва Дастуридан тан олган, уни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган, партия Дастурида белгиланган таъдирларни амалга оширишда фаол иштирок этадиган Ўзбекистон фуқароси «Адолат» социал-демократик партиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

3.2. Партия аъзоллигига қабул қилиш унга кирувчиларнинг аризасига биноан яқка тартибда бошланғич партия ташкилотининг йиғилишида очик овоз бериш йўли билан ҳал қилинади. Ҳар бир номзодга икки нафар партия аъзоси тасвинона бериши керак.

4.1. Партия аъзолари тенг ҳуқуқлиқлар.

Улар: барча партия органларига сайлаш ва сайланиш, партия таъдирларини ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва уларни амалга оширишда иштирок этиш, шу масалалар юзасидан ўларнинг фикр-мулоҳазаларини билдириш ҳамда улар тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

4.2. давлат ҳокимият органларининг барча тармоқларига

сайланиш ва иштирок этиш;

4.3. партиянинг қуйи органларидан олий органга мурожаат қилиш ва улардан ўз вақтида қўйган саволларига жавоб олиш, ўзининг танқидий мулоҳазаларини билдириш;

4.4. партия йиғилишларида масалаларнинг муҳокама этилишида, партия матбуотида фаол иштирок этиш;

4.5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, партия Низоми ва Дастурига, халқаро қонунлар талабига зид бўлмаган оммавий жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларнинг ишларида қатнашиш;

4.6. партиянинг бошланғич ташкилотли қарорига биноан ёзма аризасига қўра партияга аъзоллигини вақтинча тўхтатиш ёки ундан ихтиёрий равишда чиқиш ҳуқуқларига эгадирлар.

V. ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ БУРЛАРИ

5.1. Партия Низоми, Дастури ва қарорларини ўз вақтида бажариш;

5.2. Бошланғич партия ташкилотли ҳисобиде бўлиш, унинг фаолиятида актив иштирок этиш;

5.3. Ижтимоий ахлоқ нормалари, қонунларнинг талабларини бажаришда, маънавий қадриятларни ҳаётда қарор топтиришда бошқаларга ўрнак қўрсаатиш;

5.4. Барча миллатлар ва элатлар миллий аъёнларига, тарихий ва маданий меросига, тилига, динига ҳурматда бўлиш; халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда фаол иштирок этиш;

5.5. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари борасида олиб борилаётган партия ва давлат таъдирлари ҳамда қарорларини амалга оширишда ўз ҳиссасини қўиш;

5.6. Ишлаб чиқаришда, ўқув юртларида, оилада маҳаллада, жамоат жойларида бошқаларга ўрнак бўладиган даражада меҳнат қилиш, ўқиш, яшаш;

5.7. Партияга аъзолик бадалларини мунтазам равишда ва ўз вақтида тўлаб бориш.

5.8. Бошланғич партия ташкилотлари ва барча партия органлари партия интиминони қонунлари бузганликлари учун партия аъзоларини ўз йиғинларида муҳокама қилади ва зарур бўлса, уларни партия сафидан ўчиришга қўйган жазо қарорларини қўлади. Партия аъзоларига қўйилган жазо йиғилишда иштирок этганларнинг ярмидан кўпроги овоз бергандагина ҳақиқий ҳисобланади.

5.9. Партия аъзоларидан чиқарилган фуқаро бир ой мuddат ичиде юқори партия органларига шикоят аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шикоят аризаси узоғи билан икки ой мuddатда қўриб чиқирилиш ва қабул қилинган қарор ҳақида ариза берувчи 10 кун мuddат ичиде хабардор қилиниши керак.

VI. ПАРТИЯ ТИЗИМИ ВА УНИ ТАШКИЛ

ЭТИШ ҚОНДАЛАРИ

ПАРТИЯНИНГ ИЧКИ ТИЗИМИ:

6.1. Ҳуқуқий белгига биноан тузиладиган партия ташкилотлари туман, шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар партия ташкилотлари ва Сиёсий Кенгаш, Сиёсий Кенгаш ҳайъати, Котибият, бўлимлар, тафтиш комиссиясидан иборат.

6.2. Партиянинг олий органи — Курултой, қуйи органи эса бошланғич партия ташкилотли йиғилишидир. Умумий йиғилиш — мажлис, кенгаш, конференция, курултой партиянинг раҳбар органларидир. Улар партия ташкилотлари аъзоларининг ярмидан кўпроги ёки сайланган делегатларнинг ундан икки қисми ҳозир бўлгандагина қарор қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

6.3. Партия ташкилотлари жамоатчилик асосида ўзини ўзи бошқаради ва партия таъдирлари, қарорларини амалга оширади;

6.4. Партиянинг барча органлари қуйидан юқоригача сайлаб қўйилади;

6.5. Партия органлари ва аъзолари уларни сайлаб қўйган ташкилотлар олдиде ҳисоб берадилар;

6.6. Партия ишлари ошқоралик, рўй-ростлик, ҳамжиҳатлик асосида олиб борилади.

6.7. Партия аъзолари ўз фикрларини билдиришда эркинлик, қўйслаш, ошқоралик ва ўз ўзини танқид қондаларига амал қиладилар.

6.8. Партиянинг барча ташкилотлари ўзаро боғлиқ бўлиб, қуйи органлар юқори органлар қарорлари, топшириқларини бажариши билан айнаи замонда, ушбу Низомига биноан ўз ваколатларини доирасида мустақил ҳаракат қиладилар.

6.9. Партия ташкилотлари ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишда жамоатчиликка таяниш иш қўрадилар. Улар жойларда турли-туман шаклдаги клублар, марказлар, семинарлар, ички гуруҳлари ташкил этиб, уларнинг ишда партияга аъзо бўлмаган фуқароларни жалб этиш ҳуқуқларига ҳам эгадирлар. Улар партия ташкилотлари ҳисобланмайдилар. Аммо улар партия таъдирларини, ғояларини муҳокама қилиб, ўз фикр-ва мулоҳазаларини билдириш орқали ёрдам берадилар.

6.10. Партия ташкилотлари томонидан қабул қилинган қарор барча аъзолар учун мажбурийдир. Қарорлар қонунларга, Низомига ва партия олий органининг қўрсаатмаларига зид бўлмаслиги керак.

6.11. Партиянинг сайланган органларидеги аъзолари жамоатчилик асосида иш олиб борадилар. Улар ўз оммавий ахборот воситаларини таъсис этишлари ёки таъсис этганлар билан ҳамкорлик қилишлари мумкин.

VII. ПАРТИЯНИНГ ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

7.1. Партия ўзининг сиёсий фаолиятини Олий Мажлис ва жойлардаги сайланадиган вакиллик органлари орқали олиб боради.

7.2. Партия ўзининг аъзоларини Парламентга сайловлар вақтида номзодлар этиб қўрсади ва давлат ҳокимият органининг барча бўғинларида иштирок этади. Парламентга сайланган аъзолари учун қонунга биноан йўл-йўриқлар қўрсади, уларни қўллаб-қувватлайди.

7.3. Парламентга сайланган депутатлар партия фракциясини ташкил этиб, қонунлар қабул қилишда, давлат стратегик ички ва ташқи дастурларини қабул қилиш, давлат, аппарати шакллантириш ва тақомиллаштиришда партия сиёсатини амалга оширадилар.

7.4. Партия фракцияси партия мажлислари, кенгашлари ва курултойлари қондаларига амал қилиб, улар олдиде ўз ишлари юзасидан белгиланган тартибда ҳисобот беради.

7.5. Партия аъзоларидан иборат депутатлар фракцияси бошқа сиёсий партияларнинг фракциялари билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлмаган айдим масалалар бўйича ҳамкорликда иш қўришлари ва қўшма қарорлар қабул қилишлари мумкин.

VIII. БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

8.1. Бошланғич партия ташкилотли партиянинг неғиз ҳисобланади. Камида 5 нафар партия аъзоси бўлган тақдирда тегишли туман, шаҳар партия ташкилотли томонидан рўйхатга олинади. Ишлаб чиқариш принципига биноан, ҳўжалик, муассаса, ташкилотда ишлаб турган партия аъзоларини бирлаштирган бошланғич партия ташкилотлари тузилади. Туман, шаҳар партия ташкилотининг қарорига мувофиқ зарур ҳолларда ҳудудий принцип асосида ҳам бошланғич партия ташкилотларини тузиш мумкин.

8.2. Бошланғич партия ташкилотлари ўз таркибиде зарур ҳолларда партия гуруҳларини тузишлари мумкин. Уларга ўз қарорларига биноан партияга аъзолиги билан боғлиқ бўлган бошланғич ташкилот ҳуқуқини бериши мумкин.

8.3. Бошланғич партия ташкилотлари ўларнинг ваколатлари доираларида иш қўришда мустақилдилар. Барча масала юзасидан ўз мулоҳазаси ва тақдирларини юқори партия органларига билдириш ҳуқуқига эгадирлар. Улар юқори партия ташкилотларининг қарорларини ҳаётда таъдир қилиш учун ўз аъзоларини жамоатчиликка сафарбар қиладилар. Ўз аъзолари бўлиш халқ депутатлари ёрдам беришда асосий таянч кўч бўлиб хизмат қиладилар.

8.4. Умумий партия йиғилиши (мажлис) бошланғич партия ташкилотининг раҳбар органи ҳисобланади. Йиғилиш камида йилнинг ҳар чоракда бир мартаба ўтказилади. Зарур ҳолларда кенгаш ёки йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

8.5. Қўндалик ишларни олиб бориш учун бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилиши — мажлис котибияти унинг котибияи ва бир кишидан иборат котиб ўринбосарини 5 йил мuddатда сайлайди. Туман, шаҳар партия ташкилотига котибияи вакил этиб сайлайди. Партия гуруҳларида эса гуруҳ бошлиғи сайланади.

IX. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТ

ШАҲАР, ТУМАН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

9.1. Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилотли Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг ўзвий бир бўғини бўлиб, партия тизимиде ўзининг мустақил ўрнига эгадир. Партия Низоми ва Дастури ҳамда партиянинг олий ва марказий органлари томонидан қабул қилинган қарорлар, қўрсаатмалар Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилотли учун мажбурийдир.

9.2. Тошкент шаҳар партия ташкилотли вилоят партия ташкилотли ҳуқуқига эгадир.

9.3. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоят, туман партия ташкилотларининг раҳбар органи — Конференциядир. У камида беш йилда бир марта чақарилади. Одатда у партия ташкилотли аъзоларининг камида ундан бир қисмини бирлаштирган партия ташкилотининг талаби билан чақирилиши мумкин. Конференция барча туманлар вакилларидан иборат асосий ишловчи орган бўлиб ҳисобланади. Конференция ўз ваколати доирасида барча масалаларни ечишга ҳақлиқдир. Доимий сайланган органга ваколатлари беради, тафтиш комиссиясини сайлайди. Конференция давлат ҳокимият органлариде иштирок этаётган депутатлар фракциясининг иш фаолияти билан танишади, зарур бўлса уларга йўл-йўриқлар қўрсади. Қўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади. Партия ташкилотининг дастурларини, устувор йўналишларини аниқлайди. Юқори партия ташкилотлари Конференцияларига ва курултойга ўзининг белгиланган миқдорда вакиллари сайлайди.

9.4. Доимий ишловчи конференция зарур бўлганда ўзининг мажлисларини чақиради. Мажлис камида ҳар ярим йилда бир марта ўтказилиши керак. Ижроия гуруҳи шу кенгаш мажлис қарорларини амалга оширади. Конференция ишчи гуруҳларига раҳбарлик қилади.

X. ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ

10.1. Курултой партиянинг Олий органидир. Навбатдаги курултой партия Сиёсий Кенгаши томонидан камида 5 йилда бир марта чақарилади. Одатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқ депутатлари учун сайлов ўтказилганда сайлов компаниясидан олдин чақарилади. Курултой чақирилишда камида икки ой мuddат аввал Сиёсий Кенгаш қарори қабул қилиниб, унда Курултой чақирилиш мuddати, кун тартиби, вакиллик нормалари аниқ қўрсаатилган бўлиши керак.

10.2. Партиянинг наватдан ташқари фақулдолоа курултойи ҳам чақирилиши мумкин. Сиёсий Кенгаш ташаббуси билан ёки партия аъзоларининг умумий сонининг камида ундан бир қисмини бирлаштирган партия ташкилотларининг талабига мувофиқ чақирилади. Барча партия аъзоларининг камида ярмидан вакиллар таъминлангандагина ваколати бўлади.

Сиёсий Кенгаш доимий ишловчи партия ижроия органидир. У Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар партия ташкилотлари вакилларидан ташкил топади. Курултой унга қўшимча равишда вакиллар киритишга ҳақлиқдир.

XI. КУРУЛТОЙ

11.1. Делегатларнинг ваколатларини текширади, ўзининг иш тартибини белгилаб, зарур раҳбар ва ишчи гуруҳларини ташкил этади.

11.2. Партия Дастур ва Низомини қабул қилади ва уларга тўлдиришлар, ўзгартиришлар киритади. Республиканинг ички

ва ташқи сиёсатига оид ўзининг таклиф, таъдирларини ишлаб чиқади. Сайловолди дастурларини, ҳўжатларини қўрсаатмаларни қабул қилади.

11.3. Сиёсий Кенгашини сайлайди, унга қўшимча равишда вакиллар киритиши мумкин. Унга 5 йил мuddат давомида зарур бўлган ваколатларини беради. Марказий тафтиш комиссиясини сайлайди ва унинг вазифаларини белгилаб беради.

11.4. Сиёсий Кенгаш, Марказий тафтиш комиссияси, курултой томонидан сайланган бошқа раҳбар органлар ва раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитидаи ва улар ҳақида тегишли қарорлар қабул қилади. Партия фракция ва гуруҳларининг Парламентда олиб бораётган ишлари ҳақидаги ҳисоботларини тинглайди. Улар тўғрисида ўзининг қарорларини қабул қилади.

11.5. Курултойлар ораллиғиде Сиёсий Кенгаш зарур ҳолларда умумпартия Кенгашини (конференциясини) чақириб ҳўқуқига эга. Умумпартия конференцияси партия раҳбар органларига, тафтиш комиссияси таркибига ўзгартиришлар киритиши ва зарурий ҳўжатларни қабул қилиши мумкин.

XII. СИЁСИЙ КЕНГАШ

12.1. Курултойлар, умумпартия конференциялари ораллиғиде доимий ишлайдиган партиянинг марказий органидир. У курултойлар, умумпартия конференциялари қарорларини ҳаётда таъдир этиш, партия фракциясининг Парламентдаги ишларини мувофиқлаштириш каби ишларни амалга оширади.

12.2. Ўз Пленумларида ўзининг таркибидан Сиёсий Кенгашининг ҳайъатини, шу жумладан, Сиёсий Кенгашининг биринчи котибияи ва котибларини беш йил мuddатда сайлайди. Ижроия комитетининг вазифалари ва ваколатларини белгилайди. Ҳар йили уларнинг иши тўғрисидаги масалаларни, парламентдаги партия фракциясини ишларини мунтазам равишда қўриб боради. Тегишли қарорлар қабул қилади.

12.3. Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, партиялар, ҳаракатлар ва чет эллардаги шундай ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

12.4. Партиянинг муассасаларини, ишоналарини ташкил этади, уларга раҳбарлар сайлайди ва раҳбарлик қилади. Партиянинг ахборот органларига раҳбарлик қилади.

Сиёсий Кенгашининг пленумлари камида ҳар ярим йилда бир марта ўтказилади. Унда аъзоларнинг ярмидан кўпи қатнашиши керак.

Партия Марказий тафтиш комиссияси низомига биноан амал қилади. Унинг аъзоси бошқа партия органларида ишлаши мумкин эмас.

XIII. ПАРТИЯНИНГ БОШҚА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

13.1. Партия Ўзбекистон Республикаси давлат томонидан тан олинган партия ва ижтимоий ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳаракат қилиши мумкин. У касбаб уюшмалари, ёшлар иттифоқи, клублар, хотин-қизлар, фахрийлар ва бошқа жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар билан ақин муносабатда бўлиб, умумманфаатга оид ишларни бирга амалга оширади. Партия фракцияси Парламентда бошқа партия фракциялари билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

13.2. Партия демократик ҳаракатдаги чет мамлакатлар партиялари ва оммавий ҳаракатлар билан маданият, фан ва техника соҳаларида ҳамкорлик қилиш, улар билан таъриба алмашиш ҳўқуқига эгадир.

XIV. ПАРТИЯНИНГ РАМЗЛАРИ

14.1. Партия ўз байроғи, низоми ва тимсолига эга бўлади. Уларни Сиёсий Кенгаш таъдирига биноан курултой таъдирлайди.

XV. ПАРТИЯНИНГ МУЛКИ

15.1. Партиянинг мулки аъзолик бадаллари, ҳайрия жағармаси ва партия ташкилотларининг даромадлари асосида ташкил топади (Партия фирмалар, кичик ва ўрта корхоналар, фермерлик ҳўжалиқлари ташкил қилиши ҳамда таъдиркорлик билан шугулланиши мумкин). Партияни идора қилиш ишлари билан боғлиқ моддий, молиявий ҳаракатлар ана шу партия жағмармаси ҳисобидан таъминланади.

15.2. Партия аъзоларин



Соғлом авлод учун

Инсон ҳаётининг қувончли онлари кўп. Кимдир туғилган кунда, кимдир фарзанд кўрганда, кимдир оила қурганида, бошқа биров эса ҳаётдаги унутилмас онларини эслаганида қалби сурурга тўлади. Умри беҳуда ўтмаётганига минг бора шукрона айлайди. Яна, «Элимга, юртимга нафим тегадиган қандай ишларни қилсам экан?» деган ширин ҳаёлларга берилади. Карим Йўлдошевнинг эса умр йўлини беазаган бундай унутилмас, бир бирдан серфайз, бахтиёр онлари бисёр. Уларни номма-ном санаб адоғига етиш қийин. Энг муҳими эса унинг элим деб, юртим деб ёниб яшаётгани. Ўзбекистон мустақиллигининг етти йиллик тўйи Карим Йўлдошев учун қўшалоқ байрамга айланиб кетди: унга Халқаро академиклар жамиятининг академиги фахрий даражаси берилди. Шу муносабат билан биз Тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий-текшириш институтининг директори, республика Фанлар академиясининг академиги, Россия фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Карим Йўлдошевч **ЙЎЛДОШЕВ** билан учрашиб, юксак илмий даражага эга бўлганлиги билан кутладик.



Карим ЙЎЛДОШЕВ — 1933 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1951 йили Тошкентдаги 24-ўрта мактабни битириб, Тошкент Давлат тиббий институтига ўқишга кирган. 1955 йили институтни муваффақиятли тугалаб, Мирзачўлда илк фаолиятини бошлаган. Турли жойларда маъсул вазифаларда ишлаб, 1976–1982 йилларда Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари бўлган. 1988 йилдан буён республика Тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий-текшириш институтининг директори вазифасида ишлаб келмоқда. 1991 йилда Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси бўлган. 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги этиб сайланган. Яқинда Карим Йўлдошевч **Нью-Йоркдаги Халқаро академиклар жамиятининг академиги этиб сайланди. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, 500 дан зиёд илмий иш, китоб ва монографияларнинг муаллифи ҳамдир.**

— Карим Йўлдошевч, янги илмий даражаңиз муборак бўлсин!
— Раҳмат!
— Бу албатта ҳамма ҳам насиб этавермайдиган бахт, шундай эмасми?

— Ҳам шундай бўлиб турибман. Яна қандай кунда дег: мустақиллигимизнинг 7 йиллиги шодиёна-лари арафасида.
— Шу баҳона бир чакчашиб олсак. Мана Сиз республикамизда кўзга кўринган олимларнинг бирисиз. Қолаверса, катта бир тиббий илмгоҳга раҳбарсиз. Энди эса дунё тан олган йирик олимга айландингиз.

— Очиги, бу мен учун мустақиллигимизнинг катта бир муқофоти бўлди. Ўзим меҳнат таътилида эдим. Байрамни ишхонамиздагилар билан бирга нишонлаш учун тайилдан бир ҳафта аввал ишга қайтдим. 24 август кунини эрталаб янги келган почталарни кузатаётим, чет элнинг конвертига кўзим тушиб қолди. Аслида хизмат вазифам юзасидан мен бундай хатларни тез-тез олиб тураман. Таржима қилдириб танишсам, хат Нью-Йоркдан, анкро-фи, Халқаро академиклар жамиятининг вице-президенти, академик Г.Карпентяндан экан. Унда менга шу академиянинг академиги илмий даражаси берилганлиги билдирилибди. Биласизларми, ҳаёжонланганимдан кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Мустақилликка эришганимизга минг бора шукроналар айтайдим. Ахир бусиз бир ўзбек олимнинг халқро микёсда катта бир илмий даража олишига йўл бўлсин эди.

— Бу шубҳасиз, сиёсий илмий фаолиятингизга берилган юксак баҳо, ўз навбатида тиббиётимиз раванглигининг эътирофи ҳамдир.
— Албатта.
— Тиббийки, ўтган етти йил ичида ҳамма соҳалар қатори тиббиётда ҳам катта ўзгаришлар бўлиб берибди ва яна рўй бериб турибди.

— Мен бу ўзгаришларни ҳеч қачон алоҳида-алоҳида чегараламаган бўлар эдим. Мустақилликка эришганимиздан буён ўзгармаган соҳа қолмаганини айта олмасларми? Ҳоҳ у тиббиётда бўлсин, ҳоҳ иқтисодиётда, ҳоҳ маънавиятда бўлсин... Ростини айтсам, бизнинг ўтган йилдаги буюк давлат. Бу буюкликни ким яратди? Албатта соғлом авлод. Шунга монанд «Бизнинг авлодимиз соғлом бўлсин!» дея иккинчи бир вазифани кўндаланг қўйилди. Қаранг системани, бир-бири билан узвий боғланиб кетган. Чунки мана шундай буюк давлатни яратувчилар соғлом авлодимиз бўлиши керак. Шу мақсадда «Соғлом авлод учун» халқро жамғармаси ташкил этилди. Ордон таъсис қилинди. Кейин галла муста-

қиллиги учун кураш илгари сурилди. Чунки соғлом бўлиш учун нон керак. Ўзимизнинг галламиз бўлиши зарур. Қўраясизларми, жуда зўқолик билан Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос йўли танланганлигини.

Мен Президентимизни шундай тушунамки, улар ҳақиқатдан ҳам катта бир боғбон. Чунки, ҳар бир соҳада юртбошимиз яхшилик даражасини экиб боряпти. Мана, шундай яхши ният билан қаранг дархатнинг меваси: Асакадаги «ЎздЭУавто» қўшма корхонаси бўлди. Ўзбекистон жуда қисқа муддат ичида ўзининг ихчам ва қулай учта автотомобили — «Тико», «Дамас», «Нексия»ни чиқарибди ва қарапти. Энди узоққа бормай Қоровулбозорда ишга туширилган Бухоро нефть заводи оила-лиқ. У ҳам етти йилликнинг ўзига хос мўъжизаси бўлди. Ўзи яқин кунларда фойдаланишга топширилган Хоразм шаҳар заводи мамлакатимизнинг қудратига қудрат, шухратига шухрат қўшади. Бундай ислохотлар ва ўзгаришлар нафақат иқтисодий соҳада, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ҳам, маънавиятимизда ҳам, халқ таълимида ҳам рўй бермоқда. Академик лицейларнинг ташкил этилаётганлиги эртанги барқамол авлоднинг камол топиши имкониятларини янада кучайтирапти. Бир сўз билан айтганда, келажакги буюк давлатни бундай кенг қамровли ишларга қодир бўла олади. Бу ҳол албатта тиббиётда ҳам кўзга ташланади. Мана ҳозирги кунда октябрь ойига дастур тайёрлаб бериляпти. Унда республикамиз тиббиётини бундан ортиқ даражада кўндаланг ўзгаришлар ҳусу-сида аниқ режалар белгила-нади. Шу билан бирга тиббиётга кадрлар тайёрлаш, чет эллар билан йўлга қўйиладиган алоқаларимиз дас-турнинг асосини ташкил эта-ди. Умуман, ташқи сиёсати-мизда, ички сиёсати-мизда, иқтисодиёти-мизда ислоҳотлар кўндаланг бўлиб келинади. Оқибатда, ҳозирги кунгача мустақил давлати-мизни 125 тадан ортиқ дав-латлар билан бўлиб келинади. Эндиликда эса мамлакатимиз пойтахтида 35 тадан ортиқ давлатнинг эл-чи-хонаси ишлаб турибди. Очиги, Ўзбекистон учун яқин тарихда бундай имконият бўлганлигини ҳеч ким эслай олмайдди. Биз йўқдан бор қилдик. Шу қилинган ишлар орқали мустақил давлатимиз-нинг буюк келажакига муста-кам пойдевор қўйилмоқда.

Яқинда юртовбимиз «Етмиш йилда қилинадиган ишлар етти йилда қилинди» дея мустақил юртимизнинг ўтган қисқа даврига жуда катта ба-ҳо бериб ўтди. Менимча, буни ҳеч қандай муболағасиз юзи йилда қилинадиган иш-ларни етти йилда қилдик дея айтишимиз мумкин. Бошқача айтганда, ўтаётган ҳар бир кунларимизнинг қадрига ети-шимиз керак. Бизнинг бах-ти-миз мана шундай мислсиз ўзгаришлар даврида яшаёт-ганлигимизда.

— Тиббиётдаги тарақ-қийетни нималарда кўра-сиз?

— Мустақил бўлишимиз-дан олдин бизга ҳамма нар-са четдан келтирилди. Ҳам-ма нарса юқорининг ин-нон-ихтиёрига боғлиқ эди.

Ҳатто бир мартаба ишла-тиладиган шприцни ҳам «союздан олиб келганми». Мустақиллик боис Ўзбекис-тонда дориюнослик саноа-ти юзга келди. Илгарилари Тошкентдаги корхона бор-йўғи тўрт фоизига маҳсу-лот чиқарган бўлса, энди унинг қўламлири ортиган. Термизда, Бухоро ва Тош-кентда ишлаб турган қўшма корхоналар республикамиз аҳолисининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжини қондириш-ча хизмат қилмоқда. Кўз кў-риб қулоқ эшитмаган бундай мўъжизалар кимларни хайратга солмайди дейсиз.

Институтни тугаллаган йи-

Бизда ҳозир асосан давлат ҳисобидан даволаш ишлари амалга оширилмоқда. Балки кейинроқ тиббиёт сугуртаси юзга келиши мумкин. Мана мисол учун сизларни шундай сугуртага ишхонангиз ўтқа-из қўйида, касал бўлсан-гиз унинг хизматидан фойда-ланаварсиз. Тиббиёт сугур-таси Германияда кенг ривож-ланган. Бир йили катта бир шифохонада шундай бир во-қеага дуч келдим. Беморлар-ни кўраётти юрак операция-си зарурати туғилган элчи-хона ходимини қўришимга тўғри келди. Суриштирсам бемор аввал шу касаллик би-лан оғриб Германияда даво-

ла-ниб чиққан экан. Мен ун-дан касаллигига оид далил-ларни сурадим. Бошқа бе-морларни қўриб бир соатдан кейин келсам ҳалиги одам-нинг қўлида бутун касаллик тарихи қайд этилган, юрак кардиограммаси туширилган қоғоз турибди. Уни Герма-ниядан бир соат ичида те-лейип орқали жўнатишди. Кейинроқ тиббий сугуртани-нг яна бир афзаллигини сез-дим. Германиядан сугурта-врачи самолётга келиб бе-морни даволашга олиб кет-ди.

— Даволашнинг хўп ях-ши усули экан. У қай тар-зда расмийлаштирилди.

— Тиббиёт сугуртасини расмийлаштириш учун та-шкilot рақбар ўн беш фоиз сугурта фонди олиши керак. Бу ерда ходимнинг чўнтаги-дан ҳеч қандай маблағ кет-майди. Фондга ўтказилган маблағ асосида сугурта вра-чи ходимнинг саломатлиги-ни мунтазам муҳофазга қилиб боришни зиммасига олади. Хорижининг яна бир яхши аломати: тиббиёт ходими-ни имкон қадар меҳнат таъти-лига чиқмасликка интилади. Акс ҳолда у ўзининг мижоз-беморларини йўқотиб қўйи-ши мумкин. Бизлар ҳам шу даражада аста-секин бора-миш. Швецияда бўлганимиз-да бир ҳолат бизни хўп ажаб-лантирди. Поликлиникага кирсангиз асосан қариялар-ни кўрасиз. Ёшларни деярли учратмайсиз. Бунинг боиси ёшлар физкультура билан мунтазам шуғулланиб бори-шади. Демакки, уларнинг ка-сал бўлишларига вақти йўқ. Қариялар эса ванналарда массаж олишади. Билсангиз, бу умрини узайтиришнинг энг қулай йўли экан. Шунинг учун ҳам Швецияда ўртача умр 96 ёш деб қайд этилган. Биз-ларда эса 70 ёш атрофида. Қўрқингизми, ўртада қанча фарқ бор.

— Тўғри, чет элда ўр-ганса арзигудек, қўласа ярашгудек яхши ишлар кўп. Аммо уларни ўзимиз-га тадбиқ этиш қай ҳолат-да?

— Юқорида айтиб ўтга-нимдек, мана фелдшерлик пунктларини йўқотди. Бу ҳам катта ютук. Иккинчиси чет элдаги каби кундузги стационарлар илгарилари бизда бўлмаган эди. Яқин йиллардан бери уни йўлга қўйдик. Даволашнинг бундай усулида гап кўп. Бемор кун бўйи келиб массажи ола-ди, дори-дармонини олади, соғлигини назорат қилдира-ди. Кечкурун эса уйига кета-

ди. Ҳозир мамлакатимизда бир ярим миллион одам кун-дузги стационар хизматидан фойдаланмоқда. Бу шифохо-наларда кеча-кундуз муола-жа олаётган 5 миллион аҳо-лини шунчага қисқартирил-ганлигини ҳам ифодалайди. Бунинг қандай иқтисодий наф келтираётганлигини эса айтиб ўтиш шарт эмас.

Яна бир ютуғимиз кейин-ги йилларда оналар ва бо-лаларга эътибор қўйишди. Олдинлари тўғруқ заллари-да бир йўла 14–15 қомила-дор аёл қабул қилинарди. Натижада санитария ҳолат-ларини мўътадиллаштириш биздан чиқарди. Эндиликда эса ҳар бир турғунхонада камида беш-тадан тўғруқ за-ли бор. Уларда кўпи билан бир ёки икки хо-миладор аёл-га хизмат кўрсатилади. Ундан сўнг

турғунхонада камиди беш-тадан тўғруқ за-ли бор. Уларда кўпи билан бир ёки икки хо-миладор аёл-га хизмат кўрсатилади. Ундан сўнг

беморларни қабул қилишга шай этиб қўйилади. Шу ўринда она сўтининг афзал-лиги ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтмоқчи эдим. Ил-гарилари сўтнинг сўт билан онадан болани ажратиш ҳо-лати кўп қўзга ташланарди. Ҳозир эса болалар оналари-га бериб қўйилиб кўкрак су-тига тўйдирилмоқда. Била-мизки, она сўтининг шундай афзаллиги бор: унинг ичи-даги ҳамма яхши нарсадан ташқари болани онанинг ме-ҳри ҳам ўтади. Эътироф эта-диган англичанлар кўп. Уму-ман тиббиётга янги замона-вий усулларни кириб келмоқ-да. Мамлакатимизда ҳозир шундай аппаратлар борки, уларнинг компьютер систе-малари сочингизини тасли-кидан тортиб оёғингизнинг учига-ча нима касаллигингиз борлигини кўрсатиб бера олади.

— Кўпчилик муолажа олиб саломатлигини тик-лаётган институт жа-моаси, уларнинг ишлари ҳақида ҳам тўхталиб ў-сангиз?

— Шуниси қувончлики, кел-саи йили биз институтнинг 80 йиллигини нишонлаймиш. Бу албатта ўзига яраша кат-та байрам. Шифо маскани-миз республикамиздаги энг кекса илмий-текшириш ин-ститутларининг бири. Жамоа-мизнинг асосий мақсади илмда касаллиқнинг келиб-чиқиш сабабларини ўрганиш. Мана, мисол учун юрак ка-саллигини олайлик. У 15 йил-дан кўпроқ бўлади. Битта юракнинг ўзидан шунча ка-саллик нима сабабдан келиб-чиқади. Касалланган ҳу-

жайрадаги, клеткадаги ўз-гаришлар нима бўлмоқда? Шуларни ўрганиб, сабаб-ларини аниқлаб унга қар-ши курашишга ва даволаш-га киришамиз. Даволашда биз кўпроқ дори-дармон-дан кўра дори-сиз даволаш усулига таянамиз. Бу йўл-да табиат яратган барча неъматлардан фойдалана-миш. Бутун дунё тиббиёт жа-мийатининг ҳозирги маълумотларига қараган-да, ер юзининг 13 фоиз аҳолисини доридан аллер-гияси бор экан. Демакки, дори-сиз даволаш усули ко-ни фойда. Яна бир усули-миз — ҳар хил минерал су-влар билан беморларни да-волашдир. Республика-мизда бунинг учун жуда катта манба бор. 623 та маъданли сувнинг захира-си мавжуд. Бу мамлакат-мизнинг пахта, олтин каби қимматбаҳо нарсалардан ташқари табиий бойлик-ларга ҳам қонлигини ифо-далайди. Уларнинг тарки-биди ҳар хил фойдали маъданлар инсон соғлиги-ни муҳофазга қилишга хиз-мат қилади. Ўз навбатида турли гиёҳлар орқали да-волашни йўлга қўйганимиз ҳам ўзининг яхши самара-сини бермоқда. Маълумки, мамлакатимизда икки ярим мингтадан ортиқ доривор гиёҳ-ўтлар бор. Биз улар-нинг зарурларини ҳар хил формада қайнатаиб, тайёр-лаб беморларимизга бера-миш. Ёки оддий бир ўқа-лашнинг ўзини айтилайлик. Унинг 15 турли мавжуд. Ин-сон саломатлигига тегадиг-ан нафи эса бекёйс. Бу-ларнинг ҳаммаси йилгилиб 100 тадан ортиқ даволаш усулини йўлга қўйганлиги-мизни ифодалайди.

Кейинги йилларда эришган ютуғимиз шундан-ки, табиий шариолатдан келиб чиқиб Наманган ва Термизда институтимиз-нинг филиалини очдик. Эн-диликда яна бир филиал-ни Бухорода очиниш мўл-жаллаб турибмиш. Боиси у-ернинг ҳам ўзига яраша му-аммолари бор. Айниқса, Бухоро тарафда гипертон-ия ва бўғин касалликлари билан оғриган бемор-лар кўп. Биз бунинг сабаб-ларини ўрганиб уларни да-волашни йўлга қўймоқчи-миз. Институтимизни куч-ли, иқтидорли мутахассис-лар билан мустаҳкамлаш чораларини кўраялмиш. Бу-тун филиалларимиз билан бўлиб жамоамизда ҳар йи-ли 20 мингдан ортиқ бе-мор саломатлигини тикла-моқда. Поликлиника ва кундузги стационарлари-мизда ҳар кун 500 нафар ки-шига тиббий хизмат кўр-сатилапти...

Ўз соҳасининг ўткир билимдони, етук олим, тиб-биётимиз жонқури Карим Йўлдошевч билан анча суҳбатлашдик. Унинг мамлакатимиз раванглиги ва тиб-биётимизнинг истиқболига оид фикрлари дилимиз-ни бениҳоя тўлқинлаттирди. Олим билан суҳбатда унинг янги илмий даражага жуда-жуда муносиб эканлигини аниқладик. Оиласи, шоғирдлари, кўлаб илмий асарлари хусусидаги маълумотларни билиб олдик. Энг муҳими, Карим ака доимо изланишда, интилишда. Унинг бўш вақтлари деярли йўқ ҳисоб. Ҳар кун бўлмаганда 20 дан зиёд беморни ўзи қа-бул қилиб, уларга муолажа белгилайди, ёрдам кўр-сатади. Яна қанчадан қанча йилгишлар, бошқа ва-зифалардан ортириб бугунги кун вақтли мат-буот нашрларини топиб ўқишга, кузатиб боришга ҳам вақт топади. Уларни чўқур таҳлил қилиб, мам-лакатимиз еришайтган ютуқлардан беҳад тўлқин-ланади. Бу албатта чинакам фидойи кишиларга хос юксак фазилатдир. Биз ҳам олимга янгидан янги куч-қувват ва илмий изланишларига раванқ тилаб қоламиз.

Тўхтамурод ТОШЕВ, Тўлнора САМИЕВА, Рустам АХМАДАЛИЕВ, «Адолат» мухбирлари.



«Адолат»га жавоб берадилар

«ШИРИНДА ЮЗ БЕРГАН ЖУМБОҚЛИ ЎЛИМ»

(«Адолат» газетаси, 1998 йил 24 июль, № 29).

Мазкур сарлавҳа остида берилган танқидий ма-қолада ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараган бир шифокорнинг маъсулиятсизлиги боис ёш бир келинчакнинг ҳаётдан барвақт кўз юмгани керакли дадиллар асосида кўрсатиб берилган эди. Мақолага қийдаги жавоб олинди.

Газетада чоп этилган «Ши-ринда юз берган жумбоқли ўлим» сарлавҳали мақолада келтирилган далиллар Соғлиқ-ни сақлаш вазирлигининг Оналик ва болаликни муҳо-фаза қилиш бош бошқарма-сининг бошлиғи Н. Туреева, вазирлиқнинг юристи И.Дуд-кина ва Ақшерлик ва гине-кология илмий-текшириш институтининг мутахассиси Э.Чекина иштирокида тузил-ган махсус комиссия томони-дан жойида атрофлича ўрга-ниб чиқилди.

Дарҳақиқат мақолада муаллифлар томонидан кўта-рилган муаммолар, ҳақиқат-дан ҳам тиббиёт соҳасида ш-у кеча-кундуздаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобла-нади.

Вазирлик жойлардаги тиб-биёт муассасалари билан биргаликда ҳозирги даврда устувор йўналиш деб қара-лаётган оналар ва болалар соғлигини муҳофазга қилиш, оналар ва болаларда мавжуд бўлган касалликларни ва ўлимни қайтариш, туги-лиш, ўлим ҳолатларини ўз вақтида ҳаққоний равишда тўғри қайд этиш борасида жуда муҳим чора-тадбирлар-ни амалга оширмоқда. Бу ишларда нафақат Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бўлимлари, тиббиёт ходимлари, балки маҳаллий ҳокимликлар, қўп-лаб жамоат ташкилотлари, ҳукуматга қарашли бўлмаган турли жамғармалар ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Шу мақсадда комиссия аъзолари мақолада кўрсати-лган Сирдарё вилояти, Ширин шаҳридаги тиббий-санитария қисми қисми ақшерлик мажмуи фаолияти ва оналар ўлим ҳолатларини вилоят ва шаҳар соғлиқни сақлаш ташкилотла-рининг мутасадди ходимла-ри иштирокида чуқур таҳлил қилиб чиқилди.

Ҳозирги кунда Барно Ава-зованинг ўлимига тааллуқли бўлган бутун ҳужжатлар қайта кўриб чиқиш мақсадида Сир-дарё вилояти суди томонидан Олий судга оширилди. Комиссия аъзолари Барно Авазова қариндошлари билан суҳбат ўтказдилар ва суҳбат чоғида уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бер-дилар.

Вилоят ҳокимияти Соғлиқ-ни сақлаш бошқармаси томо-нидан Ширин шаҳрида она-лик ва болаликни муҳофазга қилиш борасида қўрилган чора-тадбирларни янада ях-шилаш масалалари қаттиқ на-зорат остига олинди.

Н. ТУРЕЕВА, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофазга қилиш Бош бошқармасининг бошлиғи.



Наманган вилояти, Косонсой тумани Ички ишлар бўлими ДАН бўлинимаси ходимлари ўз зиммаларидаги вазифани шараф билан адо этиб келмоқдалар.

СУРАТДА: туман ДАН бўлинимаси маъмурий амалиёт нозир, милиция капитани Жаҳонгир Муродов, катта нозир, милиция капитани Абду-халил Жаъфаровлар ҳайдовчи Аҳмадали Парпихужаевга кўрсатма бермоқда.

Тўғрунбек Маҳмамов олган сурат.

АДОЛАТ

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Бисий Кенгаши ва «Адолат» газетаси иқодий жамоаси.

Бош муҳаррир:

Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тўғрунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОМҚУМОВ, Улугбек ДОНИЕВ, Нажмиддин КОМИЛОВ, Халим БОБОВ, Анавар Жўрабоев, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод Жўраев, Рустам АХМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАХИМОВ, Равшан ХАЙДАРОВ, Рустам КОСИМОВ.

Мўлоқот учун телефонлар:

Қабулхона — 133-41-89. Котибият — 136-55-64. Ўзлонлар бўлими: 136-55-96.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 0351, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзил: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. Босишга топширилган вақти — 21.00. Босишга топширилди 23.30. МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.